

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

ISSN 2010-6602

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ ЯНВАРДАН БОШЛАБ НАШР ЭТИЛМОҚДА

№ 35 (1266)

2020 ЙИЛ 3 СЕНТЯБРЬ

“ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК” ШАҲАРДА ЯНГИ ФИЛИАЛ ОЧДИ



Бугунги кунда аҳолининг банк хизматлари бўйича эҳтиёжини қондириш долзарблишиб бораётир. Тошкент шаҳрида, хусусан аҳоли нуфуси салмоқли бўлган Сергели туманида янги филиалнинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Шу мақсадда Акциядорлик-тижорат “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан журналистлар учун навбатдаги пресс-тур ташкил этилди.

Пресс-тур давомида юртимиздаги етакчи оммавий ахборот воситалари вакиллари “Қишлоқ қурилиш банк” Сергели филиали очилиш маросимида иштирок этди ва янги бинода яратилган замонавий шароитларни кўздан кечирди.

Маълумот учун айтиш жоизки, айти пайтда “Қишлоқ қурилиш банк” тизимида 42 та филиал, 33 та минибанк, 11 та “Банк хизматлари кўрсатиш марказлари”, 201 та шохобчалар орқали аҳолига замонавий банк хизматлари кўрсатилмоқда.

– Бу ерда фаолият бошлаган янги филиал аҳолига сифатли банк хизматларини кўрсатиш имкониятларини янада яхшилашга хизмат қилади, – деди “Қишлоқ қурилиш банк” Бошқарув раиси ўринбосари Фарҳод Гафуров. – 2020 йилнинг 1 август ҳолатига кўра, банкнинг умумий

капитали 2 334,2 млрд. сўмни ташкил этгани ҳолда йил бошига нисбатан 888,3 млрд. сўмга ортди. Ҳисобот даврига банкнинг шаклланган устав капитали 1 855,2 млрд. сўмни ташкил этмоқда. Банкдаги жами депозитлар миқдори 3 301,0 млрд. сўмни жумладан, қисқа муддатлиси 684,4 млрд. сўмни, узоқ муддатлиси 2 616,6 млрд. сўмни ташкил этди. Эътиборлиси, йил бошига нисбатан жами депозитлар миқдори 17,9 фоизга, узоқ муддатли депозитлар эса 503,3 млрд. сўмга ёки 24,0 фоизга ошган. Шу билан бирга, бугунги кунда банк томонидан жорий қилинган жами 12 турдаги омонатлар ҳам фуқароларнинг бўш турган маблағларидан оқилонга фойдаланиш ва уларни ишончли сақлаш билан бирга, яхши даромад қилишларига ҳам имкон бермоқда.

(Давоми 3-саҳифада)



ЭЪТИРОФ ВА РАҒБАТ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида Президент фармони эълон қилинди.



Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари Султанов Дилшод Шухратович ҳамда Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки бошқаруви раиси Салямов Фарход Исломовичлар “Дўстлик” ордени билан мукофотландилар.



Шунингдек, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Тошкент шаҳар бош бошқармаси хизмат кўрсатиш сифати бўйича корпоратив бошқарувчиси Сафиуллина Элина Рустамовна “Шухрат” медали билан тақдирланди.



“Ўзбекистон Республикаси ҳудудида электрон пулларнинг чиқарилиши ва муомалада бўлиши қоидалари” (рўйхат рақами 3231, 29.04.2020 й.) талабларига мувофиқ, тўлов ташкилоти лицензиясига эга бўлган “Inspired” МЧЖ “E-CARD” электрон пуллар тизимининг оператори сифатида ўз фаолиятини бошлади.

“E-CARD” электрон пуллар тизими реестрига киритилди



Мазкур электрон пуллар тизимининг эмитенти - “Универсалбанк” хусусий акциядорлик тижорат банки ҳисобланади.

Электрон пуллар тизими тўғрисидаги маълумот жорий йилнинг 21 август куни Марказий банкнинг Электрон пуллар тизими реестрига киритилганлиги маълум қилинади.

Cbu.uz

СИНГАПУР МЎЪЖИЗАСИ БИРИНЧИ ТЎЛҚИН ЯНГИ ИНДУСТРИАЛ МАМЛАКАТЛАР МОДЕЛИ

Иқтисодиёт мутахассислари Жанубий Корея, Тайвань, Сингапур ва Гонконг тўртлигини “Биринчи тўлқин янги индустриал мамлакатлар” гуруҳи деб аташади. Бунинг сабаби улар Япониядан кейин жадал индустриаллаштиришни амалга ошириб, ўтган асрнинг 60-70 йилларида санаот ишлаб чиқаришининг юқори суръатларига эришдилар. “Осиё йўлбарслари”, “Кичик аждарҳолар” деган тушунчалар ҳам шу муносабат билан келиб чиқди.



Тўрттала мамлакатнинг деярли бир вақтда жадал идустрлаштириш, кейин эса модернизациялашга ўтиши, старт имкониятларининг бир хил даражада бўлганлиги, нисбатан қулай географик шароити, ижтимоий-сиёсий тизимдаги ўхшашлик, тарихи, эътиқоди, маданияти ва менталите-

тидаги яқинлик, аҳолининг этник таркиби (Жанубий Кореядан бошқа учала мамлакат аҳоли нуфусининг асосий қисмини этник хитойликлар ташкил этади) ва бошқа омиллар уларни ягона бир бутун тараққиёт моделига бирлаштириш имкониятини берди.

(Давоми 6-саҳифада)



ГЕРМАНИЯНИНГ ТАРАҚИЁТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИДАН 25 МИЛЛИОНЛИК ИНВЕСТИЦИЯ

Германиянинг тарақиёт молия институти DEG-Deutsche Investitions-und Entwicklungsgesellschaft mbH ва Triodos Investment Management (ўзининг Triodos Microfinance Fund орқали) "Ипак Йўли" АИТБ акциядорлик капиталига деярли 25 миллион АҚШ долларига тенг инвестиция киритишди.



Инвесторлар янги чиқарилган акцияларни сотиб олиш йўли билан банкнинг акциядорлик капиталидаги миноритар улушини қўлга киритди, бу уларнинг Ўзбекистондаги банкнинг акциядорлик капиталига киритган илк инвестицияси ҳисобланади. Ушбу инвестиция банкнинг капитал базасини мустаҳкамлашга, шунингдек, Ўзбекистондаги хусусий сектор корхоналарининг молиявий эҳтиёжларини қондириш учун йўналтирилади.

— Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар, хусусан, молия секторининг инвестицион салоҳиятини ошириш бўйича белгиланган вазифалар хорижий инвесторларнинг банк соҳасига бўлган қизиқишини ошишига сабаб бўлди, — деди "Ипак Йўли" АИТБ бошқаруви кенгаши раиси Саидабор Сайдахмедов. — Европанинг икита нуфузли молия институтлари "Ипак Йўли" банкнинг акциядорларига айланаётганидан хурсандмиз, бу 2015 йилда бошланган ўзаро манфаатли ҳамкорлигимизни янги стратегик шериклик даражасига олиб чиқади. Биз ишонамизки, "Ипак Йўли" банкига киритилган капитал нафақат банкка, балки Ўзбекистоннинг банк секторига бўлган ишонччи намоёиш этади ва ушбу соҳага янги хорижий инвесторларни жалб қилишга ёрдам беради. Янги акциядорларимизнинг билим ва тажрибалари бизнинг фаолиятимиз сифати ва самарадорлигини сезиларли даражада яхшилашга, шунингдек, банкнинг биринчи

тарақиёт молия институти - акциядори бўлган Осиё тарақиёт банки кўмаги билан бошланган институтсионал трансформацияга кўшимча ёрдам беради.

— Бу "Ипак Йўли" банки билан кўп йиллик ва ишончли ҳамкорлигимизнинг навбатдаги қадами. Биз "Ипак Йўли" мижозлари ва Ўзбекистондаги молия сектори манфаатлари учун банкнинг доимий ўсишини таъминлаш учун банк раҳбарияти ва барча акциядорлар билан ишлаш имкониятини сабрсизлик билан кутмоқдамиз. ДЕГ инвестицияси экологик ва ижтимоий стандартларни ҳисобга олган ҳолда, кичик ва ўрта корхоналар ва чакана мижозлар учун кўшимча молиялаштиришга имкон беришидан мамнунмиз, — дея таъкидлади ДЕГ бошқарув кенгаши аъзоси Моника Бек.

Мазкур ҳамкорлик ҳақида Triodos Microfinance Fund жамғармаси бошқарувчиси Тим Крайнс қўйидагича фикр билдирди.

— Бу жамғармаимиз учун акциядорлик капиталига бўлган янги қизиқарли инвестиция. Кичик ва ўрта бизнес секторига эътибор қаратган ҳолда, "Ипак Йўли" банки хусусий тадбиркорликни кўпроқ қўллаб-қувватлайди ва шу билан Ўзбекистонда бозор иқтисодиётини ривожлантиришга ҳисса қўшади. Биз "Ипак Йўли" банкнинг ўз фаолиятларини кенгайтиришда, банк соҳасидаги барқарор тажрибамиз билан ўртоқлашиш орқали "Ипак Йўли" банки бошқарувида ва стратегик ривожланишида иштирок этишни интизорлик билан кутмоқдамиз.

Банк Ахборот хизмати

Мамлакатимиз мустақиллигининг 29 йиллиги арафасида Марказий банкда "Сен – қудрат манбаи, саодат маскани, жонажон Ўзбекистоним!" шиори остида байрам тадбири ўтказилди.


МАРКАЗИЙ БАНҚДА БИР ГУРУХ ХОДИМЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Халқимиз ҳаётидаги бу тарихий байрам ватандошларимиз қалбида юртга муҳаббат, садоқат туйғуларини камол топтириш, тинч ва осойишта ҳаётимизга шукроналик ҳиссини кучайтириши билан азиз ва муқаррамдир.

Тадбирда Марказий банк тизимида фидокорона меҳнати билан соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ ходимлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Байрам тадбирлари Марказий банкнинг худудий Бош бошқармаларида, тасарруфидаги корхона ва ташкилотларда ҳам бўлиб ўтди.

Марказий банк Ахборот хизмати



ANORBANK: "БАНККА БОРИШ КЕРАК ЭМАС"

Anorbank мижозларга янада қулай масофавий хизмат кўрсатиш мақсадида бўлимлар очишдан воз кечган биринчи маҳаллий банкдир. Янги форматдаги ушбу банк мижоз ва банк ўртасидаги муносабатларнинг аъъанавий моделини тубдан ўзгартириш вазифасини ўз олдига қўйди.



Anorbank инновацион чакана банк маҳсулотларини ишлаб чиқиш, кичик ва ўрта бизнесга хизмат кўрсатишнинг янги форматини жорий этишга эътибор беришни режалаштирмоқда.

"Банкка бориш керак эмас" — Ўзбекистон аҳолиси учун янги тажриба. Anorbankда мижоз барча банк амалиётларини масофадан, онлайн тартибда бошқаради. Банк билан барча алоқалар мижоз

учун исталган вақтда ва дунёнинг исталган нуқтасидан 24 соат фаолият кўрсатувчи алоқа маркази ва масофадан хизмат кўрсатиш каналлари орқали амалга оширилади. Банк хизматларини кўрса-

тининг бундай инновацион моделида мижоз вақтни тежайди ва янги имкониятларга эга бўлади, Anorbank учун эса бўлимларнинг кенг тармоғи мавжудлиги зарур янги йўқолади. Бўлимларсиз фаолиятни амалга ошириш операцион харажатларнинг қисқаришига, бу эса ўз ўрнида банк хизматлари нархининг пасайишига олиб келади.

Anorbank аъъанавий банк бизнеси доирасидан чиқадиган бир қатор долзарб ва юқори талабга эга маҳсулот ва хизматлар билан бозорга киради. Комплекс ҳисоб-китоб ва касса хизматларини кўрсатиш, карталарни танлаш, мослашувчан кредитлаш шартлари ва бошқа имкониятларни тақлиф қилиш билан бир қаторда, банк янги хизмат стандартларини жорий этишга, аҳоли ва бизнеснинг банк хизмат-

ларига, шунингдек юридик шахслар учун бизнесни юритиш ва ривожлантириш, жисмоний шахслар учун эса кўндalik ташвишларининг бир қисмини профессионаллар зиммасига топшириш каби хизматларга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш ва қондиришга қаратилган ишончли ёрдамчи бўлишга интилади.

Банкнинг автоматлаштирилган тизимлари рақамли ечимларни ишлаб чиқишда кенг тажрибага эга бўлган хорижий fintech компаниялар билан биргаликда яратилган бўлиб, улардан фойдаланиш қулайлиги ва маълумотлар ҳавфсизлигини таъминлашга қаратилган. Anorbank замонавий технологиялар ва илғор ёндашувларни жорий қилиши, Ўзбекистон банк соҳаси ривожига янги суръат бахш этишига умид қилади.

“МИКРОКРЕДИТБАНК” ДАН ЗАМОНАВИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗИ

Мустақиллигимизнинг 29 йиллиги арафасида “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки Наманган вилоят Амалиёт бўлими қошидаги “Тўрақўрғон” банк хизматлари маркази биноси тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди.

Ушбу марказ томонидан тумандаги 400 га яқин юридик, 1000 дан ортиқ жисмоний шахсларга банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда. Жумладан, 2020 йилнинг ўтган даврида 350 дан ортиқ юридик ва жисмоний шахсларга 9,8 млрд сўмлик кредитлар ажратилди. Ушбу ажратилган кредитлар ҳисобига туманда 300 га яқин янги ишчи ўринлари яратилди.

та миқдорига 4 280,5 млн. сўм кредит маблағлари ажратиб берилди. Жумладан, “Пуре Гео Ватер” хусусий корхонасига 200,0 млн. сўм миқдорига сувни қайта ишлаш ва қадоқлаш мини технологияси сотиб олиш учун кредит маблағлари ажратилди ҳамда 15 та янги ишчи ўрни яратилди. “Уста Эргашали Аҳмедов” МЧЖга эса мактабгача таълим



Шунингдек, марказ томонидан аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда даромадини ошириш мақсадида “Енгил конструкцияли иссиқхона” ташкил этиш учун бир ва икки сотихлик ихчам иссиқхона қуриш йўлида 86 нафар фуқарога 310 млн. сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратилди. Айни пайтда иссиқхоначилар томонидан етиштирилаётган маҳсулотлар ички бозорга чиқарилмоқда.

Марказ томонидан 2020-2021-йилларда жами ҳисобда 22 440,0 млн. сўм инвестиция дастурларини амалга ошириш ва 62 та янги ишчи ўрни яратилиши режалаштирилган бўлиб, бугунги кунда шундан 10

муассасасини ташкил этиш учун 120 млн. сўм кредит маблағи ажратилди ва 16 та янги ишчи ўрни яратилди. Бугунги кунда мана шу каби ўнлаб корхоналар ажратилган кредитлар ҳисобига ўз фаолиятларини кенгайтиришмоқда.

Қисқасини айтганда, энди шу каби кўллаб лойиҳалар барча шарт-шароитлар яратилган янги бинодаги банк хизматлари марказида амалга оширилаётган бўлди. Қолаверса, замонавий бинода ўз фаолиятини давом эттиришни бошлаган “Тўрақўрғон” банк хизматлари маркази ҳудуд аҳолиси учун Мустақиллик арафасида муносиб тўхфа бўлди.

Банк Ахборот хизмати

Давлатимиз мустақиллигининг 29 йиллиги байрами арафасида “Ипотека-банк” акциядорлик тижорат ипотека банки Тошкент вилояти филиали қошида янги банк хизмати маркази биноси фойдаланишга топширилди.



МИЛЛИЙ ВА ЕВРОПА МЕЪМОРЧИЛИГИ АНЪАНАЛАРИ УЙҒУНЛИГИДАГИ МАРКАЗ

Шу муносабат билан ташкил этилган тантанали тадбирда вилоят, Нурафшон шаҳар ҳокимлиги, банк масъуллари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Миллий ва Европа меъморчилиги аънаналари уйғунлигида бунёд этилган “Ипотека-банк” АТ ипотека банки вилоят филиали қошидаги янги банк хизмати маркази биноси ҳам тобора кўкка буй чўзаётган шаҳар кўрғини кўр кўшди дейиш мумкин.

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, бу борада аҳолини молиявий кўллаб-қувватлашда тижорат банклари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, айниқса, аҳолига сифатли банк хизматлари кўрсатишда “Ипотека-банк” фаолияти муҳим аҳамият касб этмоқда.

– Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида филиалимиз томонидан 480 дан зиёд юридик шахсларга 354 миллиард сўм кредит берилди, – дейди “Ипотека-банк” АТИБ вилоят филиали шўъба мудир Илхом Хушвақтов. – Шунингдек, қарийб 42 минг 700 нафар

жисмоний шахсларга тадбиркорлик фаолияти, уй-жой ва бошқа йўналишлар бўйича 240 миллиард сўм кредит ажратилди. Маълумки, айни пайтда Нурафшон шаҳри том маънода нафақат улкан бунёдкорлик, балки вилоят маркази сифатида бизнес марказига айланмоқда. Филиалимиз айни пайтда қадар Тошкент шаҳрида фаолият юритиб келган. Жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб берувчи замонавий бино нафақат банк ходимлари, балки миқозлар учун ҳам қулайлик яратди, шунинг баробарида, янги шаҳар имкониятлари банкимиз учун янги ривожланиш эшикларини очиб беради.

7 қаватли, юқори қаватлари банк ходимлари учун уй-жой, 1- ва 2- қавати банк офиси бўлган мазкур бинода банк хизматчилари ва миқозлар учун зарур шароит, хусусан, бир вақтнинг ўзида 500 нафарга яқин миқозларга банк хизмати кўрсатиш имкони яратилди.

Тадбир давомида иштирокчилар банк филиали фаолияти, бинода яратилган шароитлар билан танишди.

Банк Ахборот хизмати

“ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК” ШАҲАРДА ЯНГИ ФИЛИАЛ ОЧДИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Шу кун ОАВ вакиллари филиалда яратилган барча қулайликлар билан атрофича таништирилди. Шу билан бирга, филиал биносида жойлашган ҳар томонлама замонавий талабларга жавоб берадиган янги ўқув маркази ҳам кўзда кечирилди. Марказда бир вақтнинг ўзида ўқув машғулотларини олиб бориш ва масофавий ўқитиш учун зарур шароитлар яратилган, замонавий рақамли лаборатория фаолияти йўлга қўйилган.

– Ушбу филиалда замонавий стандартлар асосида қурилган ўқув марказида банк ходимларининг малакасини ошириб берамиз, – деди Ўқув маркази раҳбари Алиқул Эрдонаев. – Банкнинг 43 филиалида жами 30 мингга яқин ходим ишлайди. Ўқув марказида улар замонавий талаблар асосида ўқитилади. Бунда масофавий таълимдан ҳам фойдалани-



лади. Яъни вилоятлардаги филиаллар ходимлари вақт ва маблағ сарфлаб келган бу ерда юксак даражада сабоқ олишаётганини ўша вилоятдаги филиал маъмурияти ҳам Зооп орқали кузатиб бориш имконига эга бўладилар.

Бу янги филиал Тошкент шаҳрида ягонадир. Ўз навбатида, халқаро пул ўтказмалари ва банк пластик карталаридан фойдаланиш билан боғлиқ

хизматлар мунтазам равишда замонавийлик касб этмоқда. Янги филиалда, ушбу хизматларни кўрсатиш учун барча зарур шароитлар яратилган. Эътиборлиси “Чакана хизматлар маркази” ҳам мавжуд бўлиб, миқозлар ўзларини қизиқтирган банк фаолиятига оид исталган савол ва муножабатларга реал вақт режимида профессионал жавоб олишлари мумкин.

Буни маросимда сўзга чиққанлар ва банк миқозлари ҳам эътироф этишди.

– Ҳозир бу янги филиалга иш билан келиб, бу ерда ташкил этилган шароитни кўриб ҳайратим ошди, – дейди банкнинг янги миқозини “Зам-зам милк” МЧЖ раҳбари Жасур Муҳаммаджонов. – Бизнинг корхонамиз асосан сут маҳсулотларини қайта ишлаб чиқарувчиларга сут етказиб берамиз. Қорамолларимиз бор. Бундан ташқари аҳолидан ҳам ўзимиз йиғамиз. Шу мақсадда банкдан 60 миллион сўм атрофидаги маблағни кредит асосида олаётиман. Мана кредитни жуда осон шаклда расмийлаштириб беришмоқда.

Яна тадбирда юртимизда банк тизимини замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатда амалга оширилаётган кенги қўламли иқтисодий ислохотларга ҳамохан равишда ривожлантириш бўйича кўрилаётган чоралар ва уларнинг амалий натижалари хусусида фикр билдирилди. Бу жараёнда Акциядорлик-ти-

жорат “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан эришилаётган ижобий натижалар эътироф этилди.

Турли тўловларни амалга ошириш, халқаро пул жўнатмалари ҳамда валюта айри-бошлаш учун кассалар ҳам ташкил этилган. Бир сўз билан айтганда, банк биноси замонавий банк технологиялари, хусусан, банкوماتлар, инфо-киосклар билан жиҳозланган. Миқозларга тезкор ва сифатли хизматлар кўрсатиш учун барча шароитлар яратилган. Айни вақтда банкда 42 нафар ходим хизмат қилмоқда. Банк филиалида замонавий форматлардаги “back office”, “front office” лар ҳам мавжуд.

Мухтасар айтганда, АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” келгусида ҳам ўз инфратузилмалари фаолиятини такомиллаштириш орқали миқозлар ишончини қозонишга, тадбиркорлар фаолиятини рағбатлантиришга ва аҳоли даромадларини оширишга интилишини амалда исботлаб келмоқда.

Ш. ЖАББОР

ЖОРИЙ ЙИЛ БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИГИ БЎЙИЧА ТИЖОРAT БАНКЛАРИ РЕЙТИНГИ

Пандемия даврида Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари олдида мижозларни банк офисларига ташрифи чекланиши, қарздорларнинг тўлов қобилияти камайиши, активлар ва даромадлар сифати пасайиши билан боғлиқ катта таваккалчиликлар юзага келди. Бунга қарши чоралар сифатида банklar масофавий банкинг рақамли технологияларига сармояларни кўпайтирмақда, харажатларни мақбул-лаштирмақда ҳамда таваккалчиликларни бошқаришнинг замонавий усулларини жорий этмоқда.

Банк фаолиятини яхшилаш ва COVID-19 қарши курашиш бўйича биринчи ярим йиллик давомида ҳамда пандемия даврида амалга оширилган чора-тадбирлар самарадорлигини таққослаш мақсадида масофавий хизматлардан фойдаланиш имконияти, бошқарув сифати, активлар сифати ва даромадлар генерациясига оид қобилияти каби кўрсаткичлар асосида банklarнинг алоҳида ва якуний рейтинглари тузилди. Таъкидлаш жоизки, банklarнинг молиявий ҳисоботлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг омма фойдаланиши учун очиқ бўлган статистик маълумотлари рейтинг учун манба сифатида хизмат қилади.

1. Масофавий хизматлардан фойдаланиш имконияти

Масофавий банк хизматларидан фойдаланиш имконияти кўрсаткичи онлайн тарзда банк хизматларидан фойдаланувчи ҳам жисмоний, ҳам юридик шахсларни қамраб олади.

1-жадвалга кўра, 2020 йил 1 июль ҳолатига масофавий банк хизматлари тизимларидан фойдаланувчиларнинг умумий сони 11,7 млн.га етди, уларнинг 93,8% - жисмоний шахслар, 6,2% - юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар.

Юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан масофавий хизматлардан фойдаланувчилар сони бўйича Ипотекабанк илгор (108,5 минг фойдаланувчи), жисмоний шахслар (1 746 минг) ва умумий фойдаланувчилар сони бўйича (1 783 минг) Ўзсаноатқурилишбанк - олдинда.

Фойдаланувчилар умумий сони бўйича топ-бешликда Халқ банки (1 681 минг), Агробанк (1 482 минг), Ипотека-банк (1 224 минг) ва Миллий банк (1 147 минг) ўрин. Масофавий хизматлар фойдаланувчиларининг энг кам сони Тенге банк (756), Эрон "Содерот" банки (926), Узагроэксспортбанк (1 280), Мадад Инвест банк (2 601) ва Пойтахт банк (3 430) ларда.

1-жадвал. Масофавий банк хизматлари
фойдаланувчиларининг умумий сони (01.07.2020й.)

№	Банк	Юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар	Жисмоний шахслар	Жами
1	Ўзсаноатқурилишбанк	36 892	1 745 955	1 782 847
2	Халқ банки	93 833	1 587 554	1 681 387
3	Агробанк	92 602	1 389 243	1 481 845
4	Ипотека-банк	108 509	1 115 724	1 224 233
5	Миллий банк	54 579	1 092 840	1 147 419
6	Ҳамкор банк	75 184	812 090	887 274
7	Микрокредитбанк	51 169	661 655	712 824
8	Асака банк	22 082	640 320	662 402
9	Ипак Йўли банк	21 011	336 713	357 724
10	Алоқа банк	14 581	325 100	339 681
11	Қишлоқ қурилиш банк	19 592	262 703	282 295
12	Инвест Финанс банк	18 474	251 325	269 799
13	Ориент Финанс банк	12 351	182 301	194 652
14	Турон банк	18 921	168 239	187 160
15	Капитал банк	20 874	159 856	180 730
16	ASIA ALLIANCE BANK	10 643	138 395	149 038
17	Трастбанк	23 967	93 785	117 752
18	Савдогарбанк	10 737	67 026	77 763
19	Давр банк	18 139	52 051	70 190
20	Универсалбанк	4 581	49 010	53 591
21	ҚДБ Банк Ўзбекистон	697	25 008	25 705
22	Hi-Tech Bank	1 422	20 383	21 805
23	Равнақ банк	1 749	15 906	17 655
24	Ziraat Bank Uzbekistan	1 448	14 613	16 061
25	Туркистон банк	3 365	8 711	12 076
26	Пойтахт банк	662	2 768	3 430
27	Мадад Инвест банк	550	2 051	2 601
28	Ўзагроэксспортбанк	102	1 178	1 280
29	Эрон "Содерот" банки	147	779	926
30	Tenge Bank	120	636	756
Жами		738 983	11 223 918	11 962 901

Манба: ЎЗР МБ

Юқорида келтирилган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда, масофавий мижозлар умумий сонининг банklar филиаллари сонига нисбати, яъни битта филиалга масофавий мижозлар сони ҳисобланди (2-жадвал). Ушбу кўрсаткич бўйича Ўзсаноатқурилишбанк илгор (битта филиалга 39 619 мижоз), Етақчилар бешлигига Ипотека-банк (31 391), Асака банк (28 800), Ориент Финанс банк (27 807) ва Алоқабанк (24 263) ҳам кирди. Масофавий банк хизмати тизимлари фойдаланувчиларининг энг кам сони Тенге банк (756), Эрон "Содерот" банки (926), Узагроэксспортбанк (1 280), Мадад Инвест банк (2 601) ва Пойтахт банк (3 430) каби банklarга тўғри келмоқда.

2-жадвал. Битта филиалга масофавий банк
хизматларидан фойдаланувчилар сони (01.07.2020й.)

№	Банк	Битта филиалга мижозлар сони	№	Банк	Битта филиалга мижозлар сони
1	Ўзсаноатқурилишбанк	39 619	16	Микрокредит банк	10 040
2	Ипотека-банк	31 391	17	Давр банк	10 027
3	Асака банк	28 800	18	Турон банк	9 358
4	Ориент Финанс банк	27 807	19	Агробанк	8 717
5	Алоқа банк	24 263	20	ҚДБ Банк Ўзбекистон	8 568
6	Ипак Йўли банк	22 358	21	Халқ банки	8 535
7	Hi-Tech Bank	21 805	22	Ziraat Bank Uzbekistan	8 031
8	Ҳамкор банк	20 634	23	Қишлоқ қурилиш банк	6 565
9	Равнақ банк	17 655	24	Туркистон банк	6 038
10	Инвест Финанс банк	16 862	25	Савдогар банк	3 888
11	ЎзМиллийбанк	15 506	26	Пойтахт банк	3 430
12	ASIA ALLIANCE BANK	14 904	27	Мадад инвест банк	2 601
13	Капитал банк	12 049	28	Ўзагроэксспортбанк	1 280
14	Универсал банк	10 718	29	Эрон "Содерот" банки	926
15	Трастбанк	10 705	30	Tenge Bank	756

Манба: ЎЗР МБ маълумотлари асосида муаллифлар ҳисоб-китоблари 2. Бошқарув сифати

Банklarни бошқариш сифати кўрсаткичи халқаро тажриба асосида амалиёт самарадорлиги ёки CIR (Cost to income ratio) даражаси билан белгиланади. Ушбу кўрсаткич бизнес юритиш самарадорлигини акс этади ва банкининг амалиёт харажатларининг ҳисобот даврида амалиёт даромадларига нисбати сифатида ҳисобланади. Жумладан, 50 фоиз миқдордаги CIR банкининг 1 сўм даромадга харажатлари 0,5 сўмни ташкил этишини аниқлатади.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банklarининг CIR кўрсаткичи 14,5% дан 81,3% гача доирасида ўзгариб туради (3-жадвал). Энг паст CIR кўрсаткичлари мамлакатимизнинг йирик давлат банклари, жумладан Асака банк (14,5%), Ўзсаноатқурилишбанк (15,8%) ва Миллий банк (17,5%). Шунингдек, энг яхши бешликка Мадад Инвест банк (20,6%) ва Эрон "Содерот" банки (23,3%) ҳам кирди.

3-жадвал. CIR кўрсаткичи (01.07.2020й.)

№	Банklar	CIR	№	Банklar	CIR
1	Асака банк	14,5%	16	Ўзагроэксспортбанк	48,0%
2	Ўзсаноатқурилишбанк	15,8%	17	Микрокредит банк	49,3%
3	ЎзМиллийбанк	17,5%	18	Универсал банк	49,9%
4	Мадад инвест банк	20,6%	19	Tenge Bank	52,7%
5	Эрон "Содерот" банки	23,3%	20	Туркистон банк	52,8%
6	Ипотека-банк	28,0%	21	Халқ банки	54,5%
7	Трастбанк	28,8%	22	Турон банк	56,0%
8	Ziraat Bank Uzbekistan	28,9%	23	Инвест Финанс банк	56,8%
9	Давр банк	30,0%	24	Алоқа банк	58,8%
10	Ориент Финанс банк	34,8%	25	Агробанк	61,0%
11	Ипак Йўли банк	37,4%	26	ASIA ALLIANCE BANK	61,5%
12	Қишлоқ қурилиш банк	38,7%	27	Капитал банк	65,9%
13	Ҳамкор банк	39,2%	28	Савдогар банк	74,1%
14	Пойтахт банк	39,8%	29	Равнақ банк	75,9%
15	ҚДБ Банк Ўзбекистон	45,4%	30	Hi-Tech Bank	81,3%

Манба: банklar молиявий ҳисоботлари асосида муаллифлар ҳисоб-китоблари
Энг паст амалиёт самарадорлигига эга банklar (юқори CIR) бешлигига Hi-Tech Bank (81,3%), Равнақ банк (75,9%), Савдогар банк (74,1%), Капитал банк (65,9%) ва Азия Альянс банк (61,5%) кирди.

3. Банк активлари сифати

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активлари сифатини аниқлаш учун NPL (non performing loans) кўрсаткичини кўриб чиқамиз. Ушбу кўрсаткич ўз вақтида тўлов амалга оширилмаслик таваккалчилиги мавжуд бўлган ёки 90 кун давомида тўланмаган муаммоли кредитлар улушини акс этади.

4-жадвал. NPL кўрсаткичи (01.07.2020й.)

№	Банк	Кредит портфели (млрд. сўм)	Улардан, муаммоли кредитлар (млрд. сўм)	NPL (в %)
	Жами	244 906	7 087	2,9%
1	ҚДБ Банк Ўзбекистон	799	0	0,0%
2	Tenge Bank	352	0	0,0%
3	Эрон "Содерот" банки	6	0	0,1%
4	Туркистон банк	813	1	0,1%
5	Универсал банк	654	1	0,1%
6	Давр банк	1 063	2	0,2%
7	Ориент Финанс банк	2 775	5	0,2%
8	Турон банк	5 303	11	0,2%
9	Hi-Tech Bank	248	1	0,3%
10	Инвест Финанс банк	2 960	11	0,4%
11	Капитал банк	3 416	16	0,5%
12	Савдогар банк	816	5	0,6%
13	Ziraat Bank Uzbekistan	487	3	0,6%
14	Агробанк	21 020	248	1,2%
15	Пойтахт банк	91	1	1,3%
16	Микрокредит банк	6 484	85	1,3%
17	Равнақ банк	410	6	1,4%
18	Қишлоқ қурилиш банк	11 903	165	1,4%
19	Трастбанк	1 911	36	1,9%
20	Алоқа банк	5 432	130	2,4%
21	ЎзМиллийбанк	61 104	1 511	2,5%
22	ASIA ALLIANCE BANK	1 707	43	2,5%
23	Ипотека-банк	20 806	623	3,0%
24	Халқ банки	15 397	483	3,1%
25	Мадад инвест банк	147	6	3,8%
26	Ипак Йўли банк	4 415	182	4,1%
27	Асака банк	31 515	1 460	4,6%
28	Ўзсаноатқурилишбанк	36 122	1 725	4,8%
29	Ҳамкор банк	6 663	322	4,8%
30	Ўзагроэксспортбанк	88	7	8,5%

Манба: ЎЗР МБ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотларига кўра, 01.07.2020 йил ҳолатига кўра, энг паст NPL кўрсаткичи банклар бешлигига Тенге банк (0%), ЎзҚДБ банк (0%), Эрон "Содерот" банки (0,1%), Туркистон банк (0,1%) ва Универсал банк (0,1%) киради. Муаммоли кредитларнинг энг кўп кўрсаткичлари Ўзагроэксспортбанк (8,5%), Ҳамкор банк (4,8%), Ўзсаноатқурилишбанк (4,8%), Асака банк (4,6%) ва Ипак Йўли банки (4,1%) да қайд этилган.

Умуман олганда, амалга оширилган карантин чоралари ва ҳукумат томонидан тақдим этилган имтиёз ва кредитлар бўйича қарзларни тўлаш муддатлари узайтирилганини ҳисобга олган ҳолда муаммоли кредитлар улуши ошиши кутилган эди ва бу Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан жорий йил 6 июлдаги 2020-2025 йилларда банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясини амалга ошириш масалаларига бағишланган йиғилишидаги маърузасида тилга олинган.

4. Тижорат банкларнинг даромадлар генерациясига оид қобилиятлари

Банкнинг тижорат қорхонаси сифатидаги фаолияти самарадорлигини баҳолаш фоизлик даромад ва фоизлик ҳаражатлар таҳлилига асосланади, чунки маблағларни депозитларга жалб қилиш ва фоизлар ҳисобига кредитлаш кунлик банк амалиёт фаолиятининг салмоқли қисмини ташкил этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, фоизлик даромадларнинг фоизлик ҳаражатларга нисбати банкнинг даромад генерацияси қобилиятининг индикатори сифатида хизмат қилиши мумкин. Банкнинг депозитлар бўйича тўлаган фоизининг ҳар бир сўмига даромад олиш қобилияти қанча катта бўлса, шунча мазкур кўрсаткич юқори бўлади.

5-жадвал. Фоизлик даромадларнинг фоизлик ҳаражатларга нисбати (01.07.2020й.)

№	Банк	%-лик даромадларнинг %-лик ҳаражатларга нисбати	№	Банк	%-лик даромадларнинг %-лик ҳаражатларга нисбати
1	ҚДБ Банк Ўзбекистон	-	16	ЎзМиллийбанк	180,8%
2	Эрон "Содерот" банки	6427,9%	17	Турон банк	176,5%
3	Пойтахт банк	3576,6%	18	Микрокредит банк	174,1%
4	Мадад инвест банк	1263,0%	19	Ҳамкор банк	157,2%
5	Tenge Bank	497,3%	20	ASIA ALLIANCE BANK	148,6%
6	Ziraat Bank Uzbekistan	368,4%	21	Инвест Финанс банк	145,3%
7	Ўзагроэксспортбанк	336,9%	22	Халқ банк	144,2%
8	Трастбанк	296,7%	23	Универсал банк	142,1%
9	Ориент Финанс банк	224,1%	24	Агробанк	141,5%
10	Давр банк	217,4%	25	Савдогар банк	141,4%
11	Ипак Йўли банк	204,2%	26	Туркистон банк	139,2%
12	Hi-Tech Bank	192,4%	27	Қишлоқ қурилиш банк	137,3%
13	Ипотека-банк	188,4%	28	Асака банк	136,7%
14	Равнақ банк	183,8%	29	Алоқа банк	136,6%
15	Ўзсаноатқурилишбанк	183,3%	30	Капитал банк	131,8%

Манба: банкларнинг молиявий ҳисобдорлиги

(*) – Эмитентнинг жорий йил I ва II чорақлари бўйича ҳисоботида кўра, ЎзҚДБ фоизлик ҳаражатларга эга эмас, бу эса нисбат белгисини нолга тенг қилади.

Фоизлик даромадларнинг ҳаражатларга нисбати бўйича банкларнинг топ-балигига ЎзҚДБ банк, Эрон "Содерот" банки, Пойтахт банк, Мадад инвест банк ва Тенге банк кирди. Буни мазкур банклар депозитлар бозорида ҳали мустаҳкам ўрин эгалламаганлиги ва уларда жалб этилган маблағлар бўйича фоизлар тўловлари камлиги билан изоҳлаш мумкин. Тегишлича, уларнинг муддатли депозитлар умумий ҳажмидаги улуши 0,16 фоизга тенг.

Ўз навбатида, фоизлик даромадларнинг ҳаражатларга энг кам нисбати билан банклар бешлигига асосан ўрта ва йирик айланма маблағларга эга банклар киради, улар катта ҳажмидаги муддатли депозитлар ва бошқа заём маблағларни жалб қилишлари зарур. Булар Капиталбанк, Алоқабанк, Асака банк, Қишлоқ қурилиш банк ва Туркистон банк. Уларнинг муддатли депозитлар умумий ҳажмидаги улуши 24,97 фоизни ташкил этади.

Тижорат банкларнинг умумий рейтинг

Юқорида келтирилган кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда, банклар умумий рейтинг тузилди, унда барча тўртта тоифа кўрсаткичлари ҳисобга олинади.

6-жадвал. Тижорат банклар рейтинг (01.07.2020й.)

№	Банклар	Масофавий банкиндан фойдаланиш имконияти		Бошқарув сифати	Банклар активлари сифати	Даромадлар генерацияси қобилияти
		Масофавий хизматлардан фойдаланувчиларнинг умумий сони	1 филиалга фойдаланувчилар сони			
				CIR	NPL	%-лик даромадларнинг %-лик ҳаражатларга нисбати
1	Ориент Финанс банк	13	4	10	7	9
2	Ўзсаноатқурилишбанк	1	1	2	28	15
3	Ипотека-банк	4	2	6	23	13
4	Миллий банк	5	11	3	21	16
5	ҚДБ Банк Ўзбекистон	21	20	15	1	1
6	Давр банк	19	17	9	6	10
7	Ипак Йўли банк	9	6	11	26	11
8	Трастбанк	17	15	7	19	8
9	Асака банк	8	3	1	27	28
10	Эрон "Содерот" банки	29	29	5	3	2
11	Ziraat Bank Uzbekistan	24	22	8	13	6
12	Микрокредитбанк	7	16	17	16	18
13	Ҳамкор банк	6	8	13	29	19
14	Инвест Финанс банк	12	10	23	10	21
15	Турон банк	14	18	22	8	17
16	Универсалбанк	20	14	18	5	23
17	Hi-Tech Bank	22	7	30	9	12
18	Пойтахт банк	26	26	14	15	3
19	Агробанк	3	19	25	14	24
20	Tenge Bank	30	30	19	2	5
21	Мадад Инвест банк	27	27	4	25	4
22	Алоқа банк	10	5	24	20	29
23	Халқ банки	2	21	21	24	22
24	Қишлоқ қурилиш банк	11	23	12	18	27
25	Равнақ банк	23	9	29	17	14
26	ASIA ALLIANCE BANK	16	12	26	22	20
27	Капитал банк	15	13	27	11	30
28	Туркистон банк	25	24	20	4	26
29	Савдогарбанк	18	25	28	12	25
30	Ўзагроэксспортбанк	28	28	16	30	7

6-жадвалга кўра, энг яхши банклар бешлигига Ориент Финанс банк, Ўзсаноатқурилишбанк, Ипотека-банк, Миллий банк ва ЎзҚДБ банклар. Ушбу банкларда жами энг юқори кўрсаткичлар.

Ориент Финанс банк барча рейтинглар якунлари бўйича биринчи ўрин эгаллайди, лекин юқорида қайд этилган кўрсаткичлар қисмида етакчилик қилмайди. Жумладан, масофавий хизматлардан фойдаланувчиларнинг битта филиал доирасидаги сони 27 807 миқозини ташкил этади (4-ўрин), амалиёт самарадорлиги (CIR) эса - 34,8 фоизга тенг (10-ўрин). Аммо бошқа банклардан фарқли равишда Ориент Финанс банкда рейтинглар ўртасида алоҳида тоифалар бўйича сезиларли фарқликлар кузатилмади.


Агар биринчи ўнлик рейтингига қарасак, унда давлат улуши бўлган Ўзсаноатқурилишбанк, Ипотека-банк, Миллий банк ва Асака банк бошқарув сифати (CIR) ва битта филиалга масофавий хизматлар фойдаланувчилари сони бўйича юқори кўрсаткичларга эга. Бунга сабаб мазкур банкларнинг иқтисодий базавий тармоқлари ва йирик корпоратив миқозларга хизмат кўрсатишидир. Шу муносабат билан улар битта ходимга нисбатан катта активларни бошқаради, бу эса уларга амалиёт ҳаражатларини пасайтириш ҳамда янги банк технологиялари ва дастурий маҳсулотларга сармага киритиш имконини беради.

Ушбу рейтингдаги бошқа тижорат банклари, жумладан, Ориент Финанс банк, ЎзҚДБ банк, Давр банк, Ипак Йўли банк, Трастбанк ва Эрон "Содерот" банки даромад генерациясига юқори қобилияти билан давлат улуши иштирокида банклардан фарқланади, буни эса мазкур банкларда берилган кредитларнинг юқори маржиналлиги билан изоҳлаш мумкин.

А.ХАЛИЛОВ, К.ФОЗИЛОВА

"Ўзсаноатқурилишбанк" хузуридаги Бизнес-таҳлил маркази

СИНГАПУР МЎЪЖИЗАСИ БИРИНЧИ ТЎЛҚИН ЯНГИ ИНДУСТРИАЛ МАМЛАКАТЛАР МОДЕЛИ




(Бошланиши 1-саҳифада)

Лекин улар ўртасидаги ўхшашликдан ташқари тараққиётда ўзига хос хусусиятлар ҳам етарли. Масалан, Гонконг ва Корея Республикаси ўртасидаги ишлаб чиқариш омиллари, аҳоли таркиби ва демографик ҳолати ва бошқа ресурслар потенциали, ривожланиш стратегияси ўртасидаги жиддий фарқларни илғамаслик мумкин эмас.

Сингапур ўтган асрнинг 50-йилларида балиқчилар посёлкасини эслатадиган қоқоқ бир макон эди. Ўрта асрларда Жохар султонлиги таркибида бўлган Сингапур дастлаб Португалия, кейин Буюк Британия, Япония, Иккинчи жаҳон урушидан кейин яна инглизлар мустамлакаси бўлиб келди. 1965 йили Малайзия Федерациясидан чиқиб мустақиллик эълон қилди. 1959-1990 йилларда Ли Куан Ю ҳукумати ресурслардан маҳрум, лекин географик қулай жойлашган Сингапурни барча ички муаммоларини ҳал қилиб, "Учинчи дунё мамлакатлари"дан баланд мақомда ривожланган, аҳолиси юқори турмуш даражасига эга мамлакатлар қаторига сакраб ўтишига олиб келди. 2011 йилда мамлакатда номинал қийматда 318,9 млрд. доллар миқдорда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқарилди. Аҳоли жон бошига ЯИМ (ҳарид қобилияти паритети бўйича ҳисоблаганда) 62 100 долларни ташкил этди. Бу жаҳондаги энг юқори кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Сингапурнинг ташқи савдо айланмаси унинг ялпи ички маҳсулотидан деярли 100 млрд. долларга устун. Бу жуда кам учрайдиган ҳолат. Шу билан бирга ташқи савдода ижобий сальдо 25 фоиздан юқори. Сингапур иқтисодиёти икки секторли. Ялпи ички маҳсулотнинг 26,6 фоизи саноатда, 73,4 фоизи хизмат кўрсатиш соҳаларида ишлаб чиқарилади. Инфляция ва ишсизлик даражаси нисбатан паст. Иқтисодиётнинг асосий тармоқлари: электроника, кимё саноати, молиявий хизматлар, нефтни қайта ишлаш, бургулаш асбоб-ускуналари, резина буюмлар ишлаб чиқариш озиқ-овқат саноати, кemasозлик нефть қазिश платформалари ва бошқалар.

Сингапур янги тараққиёт моделига ўтгандан кейингина қулай географик шароити, йирик чет эл савдо капитали, эркин порт (божсиз ҳудуд) мавқеидан фойдаланиб кemasозлик,

воситачи савдо, суғурталаш ва банк ишини ривожлантиришни йўлга қўя бошлади. Аммо, саноат ҳали анча заиф эди. Саноат ишлаб чиқаришининг 75 фоизини табиий каучукли қайта ишлаш ташкил этарди. Сингапур индустриаллаштиришни амалга ошириш давомида чет эл капитали билан ҳамкорликка ҳамда импорт ўринини босадиган ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратди. Тезгина ички бозорни тўйинтириб, саноатни ташқи бозорга йўналтирди. Бу жараёнда ташкил этилган иккита эркин иқтисодий зона катта роль ўйнади. Мамлакат тезда электроника, маиший электроника, фармацевтика ва асбобсозликда катта муваффақиятларга эришди. Шу вақтнинг ўзиде саноатнинг нефтни қайта ишлаш ва нефть кимёси, қурилиш ҳамда кўтариш-транспорти асбоб-ускуналари, контейнерлар, шунингдек кemasозлик, металлургия, дизель двигателлари тайёрлаш, пластмасса ва сунъий толалардан буюм тайёрлаш каби соҳалари тез ривожланди. Ўтган асрнинг 70-йиллари охирида электрон ва электротехника саноатининг 80 фоиз товарлари, нефтни қайта ишлаш маҳсулотларининг 70 фоизи, умуман, саноат маҳсулотларининг 60 фоизи экспортга кетди.



Айниқса хизмат кўрсатиш соҳасида модернизациялаш жараёнлари бориб бандаргоҳлар ва омбор хўжалигида ҳаво транспорти ҳамда коммуникацияга йирик инвестициялар қилинди. 80-йилларда ҳукумат "Иккинчи саноат инқилоби" ўн йиллик дастурини амалга ошира бошлади. Мазкур дастур доирасида Электрон ҳисоблаш техникаси Миллий бошқармаси

тузилиб, у мамлакат иқтисодиётини компьютерлаштирилишида муҳим роль ўйнади. XX асрнинг охириги икки ўн йиллигида Сингапур маиший ва саноат электроникаси, лаборатория ва тиббий жиҳозлар ишлаб чиқариш бўйича илғор технологик маррага чиқиб олди. Мамлакат денгиз бургулаш платформалари, аэрокосмос техникаси ишлаб чиқаришга ўтди. Янги асрнинг дастлабки ўн йиллиги охирига келиб, юқори технологияли маҳсулотлар экспорти бўйича Японияга яқинлашиб қолди. Эски меҳнатлаб тармоқлар – тўқимачилик, ёғочни қайта ишлаш, пойафзал саноатини яқин-атрофдаги қўшни мамлакатларга кўчира бошлади.

Қисқа вақт ичида бу қадар ҳайратланарли ютуқларга Сингапур ўз тараққиёт модели орқали, яъни унга давр ва шароитни ҳисобга олиб, мутасил ўзгариш киритиб бориши замирида эришди, албатта.

Биласиз, Сингапур Шарқнинг ғарбий дарвозаси, Ғарбнинг шарқий дарвозасидир. Халқаро инвесторлар ва молиячилар учун у Жануби-Шарқий Осиё молия маркази, "Шарқ Швейцарияси"дир. Иқтисодчилар учун "Осиё йўлбарси", сайёҳатчилар учун "Дунё мўъжиза"ларидан бири – шаҳар – орол – давлатдир. Мазахўрак хўрандалар учун "жаннат", яъни жаҳонда энг машхур хушбўй ичимликлар ватандидир.

Бу давлат – шаҳар бир қатор ороллардан ташкил топган бўлиб, Тинч ва Хинд океанлари ҳавзаси чегарасида (Экватор бўйида) жойлашган. Бу жой Европа, Осиё ва Австралия ўртасидаги денгиз йўллари кесишган макондир. Бундай жойлашув Сингапурни дунёдаги энг йирик транзит тугуни, етакчи жаҳон савдо марказига айлантирди. Мамлакат жаҳонда нефтни қайта-ишлашнинг учинчи энг йирик маркази, Нью-Йорк ва Лондондан

ёдаги йирик тушум марказларидан бирига айланмоқда.

Сингапур тараққиёт модели – қатъий давлат бошқарув, кўп йиллик макроиқтисодий барқарорлик, давлатнинг оқилона ижтимоий сиёсати, сиёсий барқарорлик ва қулай халқаро шароит каби бешта асосий омиллардан иборат.

Ли Куан Ю ҳукумати ўтган асрнинг 60-йилларидан беш йиллик иқтисодий режолантиришни амалга оширди. Ривожланиш нефтни қайта ишлашдан бошланди. Лекин мамлакатнинг ўзиде нефть йўқ эди. Уни қўшни Индонезиядан сотиб олиб келиб, олий сифат қилиб қайта ишлади. Нефтни сифатли қайта ишлаш экспортчи давлатда йўқ эди. Нефтни қайта ишлашнинг ўзиёқ мамлакатни Ғарб ва Шарқ ўртасидаги денгиз дарвозасига айлантирди. Мамлакат катта маблағларни контейнер терминаллари қурилишига сарфлаб бутун жаҳондаги юклар оқимини таъминлади. Бу ўз навбатида маҳаллий саноатнинг ташқи бозорга осон чиқишини қулайлаштирди. Ҳар бир янги халқа ижтимоий ҳаётга янгиликларни, иқтисодий занжирни тўлиқ, узоқ ва мустаҳкамроқ қилди. 60-йилларда меҳнат сиғими юқори тармоқларни ривожлантиришни сари йўл олинди. Чунки, одамларни иш билан таъминлаш зарур эди.

70-йилларда эса модел фан ва капитал сиғими юқори ишлаб чиқариш томон бурилди. Давлат корхоналари янгидан яратилиб энг замонавий техника ва технология билан жиҳозланди, вақти келиб улар хусусий қўлларга берилди, давлат эса ўз куч ва имкониятларини янги тармоқларга қаратди. 70-йилларнинг охирида мамлакат электрон ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда етакчи ўринга чиқиб олди. Аммо, аср охирида микро электроника кам даромад бера бошлади. Чунки, арзон ишчи кучи ҳисобига қўшни Осиё мамлакатлари томондан бу бозорда рақобат кучайди. Хўш, нима қилиш керак? Энди янги иқтисодий соҳаларни ривожлантиришга устунлик берилиб, кўпроқ эътибор қаратилди. Сингапур иқтисодиётининг янги бўғинлари бўлиб биотехнология ва фармацевтика соҳалари майдонга чиқди. Чунки, бу соҳалар инсоннинг кундалик биринчи даражали эҳтиёжлари билан боғлиқ, шунинг учун ҳам уларнинг келажик бор.

Мамлакат аввал бошдан бизнес учун аниқ ўйин қоидаларини яратиб олди. Чет эл компаниялари ва инвесторларини жалб қилишга урғу берилди. Сингапур биринчи бўлиб трансмиллий корпорацияларга бозорини очди. Бу унга ғарб дунёси билан савдода имтиёз берди. Кўш трансмиллий корпорацияларининг ўзи мамлакатнинг ҳозирги юқори технологияли саноатига пойдевор қўйди. Уч мингдан ортиқ чет элнинг таниқли корпорация ва фирмалари мамлакатда ўз филиалларини очди. Сингапур иқтисодиётига ҳар йили 10 млрд. долларлик чет эл инвестициялари қўшилидиган бўлди. Бу барча инвестицияларнинг деярли 40 фоизи демақдир.

Шукур ЖАББОР


(Давоми кейинги сонда)

КОРОНАВИРУСДАН ЭНГ КЎП ЖАБРАНГАН РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТНОМИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) маълумотига кўра, иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар орасида коронавирус пандемиясидан энг кўп жабранган давлатдан бири Буюк Британиядир.

BBC News хабарига кўра, Буюк Британия тарихдаги энг кучли инқирозни ўз бошидан ўтказди. Мамлакат ЯИМ кўрсаткичи жорий йилнинг иккинчи чорагида 20,4 фоизга камайдди. ИХТТ га аъзо 37 та мамлакатнинг иқтисодиёти умумий ҳисобда ўтган уч ойга нисбатан 9,8 фоиз қисқарди. Бу ҳам тарихда кузатилган энг йирик сулғашини билдиради.

Кўрсаткичлар тушиб кетишининг сабаби коронавирус тарқалишини чеклаш учун жорий этилган чекловларга боғлиқ бўлди. Бу йилги сулғашини жаҳон молиявий инқироз туфайли ЯИМ кўрсаткичи 2,3 фоизга пасайган 2009 йил биринчи чоракка нисбатан ҳам кучлироқ сезилди. 1961 йилда ташкил этилган ИХТТ жаҳоннинг



етақчи иқтисодий ташкилотларидан бири бўлиб, ўзида нисбатан ривожланган 37 мамлакатни жамлаган.

Буюк Британия давлат қарзи июль ойида тарихда илк марта икки триллион фунт стерлингдан (2,6 триллион АҚШ

долларидан ортиқ) ошди. Англия Банки башоратига кўра, ЯИМ жорий йилда 14 фоизга қисқаради. Бу эса 1706 йилдан буён кузатилган энг салбий натижа бўлади. Ишсизлик даражаси 4 фоиздан 9 фоизга етиши кутилмоқда.

Coca-Cola ўз бизнесини қайта ташкиллаштиришга қарор қилди. Ушбу лойиҳа доирасида тўрт минглаб ходимларига ихтиёрий ишдан бўшаш таклифи билан чиқди. Бу ҳақида CNBC нашрлари компания хабарномасига асосан маълумот берди.

СОСА-COLA МИНГЛАБ ХОДИМЛАРИГА ИХТИЁРИЙ ИШДАН БЎШАШ ТАКЛИФИНИ БЕРДИ

Ушбу дастур АҚШ, Канада ва Пуэрто Рикодаги ишчиларга ишдан бўшаш вақтида моддий ёрдам олиш имкониятини тақдим этади. Спиртсиз ичимликларни ишлаб чиқарувчи ушбу компания бундай механизмни бошқа давлатлардаги ходимларига нисбатан ҳам қўллаш ниятида. Компания ишдан бўшатиш дастури билан боғлиқ харажатларни баҳолаётган экан, тахминан 350 дан 550 миллион АҚШ доллариллик маблағ сарфланишини аниқлади.

31 декабрь ҳолатига кўра Coca-Cola компаниясида дунё бўйича жами 86 мингдан ортиқ ишчилар меҳнат қиларди. Ишлаб чиқарувчи ҳозиргидек 17 та жўғрофий ҳудудда эмас, балки тўртта ҳудудда ўз ичида тўққиз бўлинмани қамраб олувчи янги модельни ташкил этишга киришган.

Коронавирус пандемияси туфайли корхона фойдаси 2020 йил иккинчи чорақда 33 фоизга қисқарди.



Йирик иқтисодий мамлакатлар коронавирუს пандемиясига қарши қурашиш учун харажатларни ҳаддан ташқари оширди. Натижада уларнинг давлат қарзи Иккинчи жаҳон уруши давридан буён кузатилган рекорд даражага етди. Бу ҳақида The Wall Street Journal нашри Халқаро валюта фонди (ХВФ) га таяниб маълумот берди.

ЙИРИК МАМЛАКАТЛАР ҚАРЗИ ҲАМ ЙИРИК БЎЛДИ



Масалан, иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг 2020 йил июль ойидаги давлат қарзи жаҳон ЯИМ кўрсаткичининг 128 фоизига тенг бўлди. 1946 йилда бу кўрсаткич 124 фоизга тенг эди. АҚШ Президенти Жорж Буш ҳузуридаги иқтисодий кенгаш собиқ раҳбари Глен Хаббард баёнотида кўра, қарздорлик даражаси ортишидан хавотирланмаса ҳам бўлади. Мухими, уруш билан тенглаштирилаётган вирус билан касалланганларнинг суръатини назорат қилиш лозим.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин ривожланган мамлакатлар қарздорлиқдан иқтисодий ўсиш ҳисобига қутулишган. 1959 йилга бориб қарзнинг ЯИМга нисбатан улуши деярли икки баробар камайган. Бироқ нашрда қайд этилишича, бу сафар ўша вақтдаги натижани такрорлаш амри маҳол. Сабаби аҳоли сони ошиши сулғашини туфайли ишчи кучи қисқарган ва ишлаб чиқариш ҳажми пасайган.

Июль ойида маълум қилинишича, Россия молия вазирлиги давлат қарзини келаси беш йил ичида оширишни режалаштирмоқда. Бироқ унинг ҳажми ЯИМ кўрсаткичига нисбатан 20 фоиздан ошмайди. Жорий йил 1 июль ҳолатига кўра, давлат қарзи Россияда 14,8 триллион рубльга етган ёки ЯИМ ҳажмининг 13 фоизига тенг бўлган.

“Шимолий оқим-2” газ тармоғи қурилиши ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз якунига етказилади, деб ишонч билдирди Германия канцлери Ангела Меркел.

Канцлер АҚШнинг мазкур лойиҳага нисбатан санкция қўллашига муносабат бўйича шундай фикрни айтди.

“Германия ҳукумати АҚШнинг қаршилигига қарамасдан газ тармоғи қурилишини охиригача етказиш ниятида”, деди Меркел “MDR” телеканали эфирини.

Эслатиб ўтамоқчи, аввалроқ, АҚШнинг қатор сенаторлари мазкур қурилиш давом эттирилган тақдирда немис порт шаҳри Заснис операторига санкция қўллаш билан таҳдид қилганди.

Августда газ тармоғининг йирик ҳамкорларидан бири – йирик немис компанияси ҳисобланган “Uniper” АҚШ санкциялари таъсирида қурилиш тўхтаб қолиши мумкинлигини истисно тутмаганди.

ЎЗА

АНГЕЛА МЕРКЕЛ:

“АҚШ САНКЦИЯЛАРИ “ШИМОЛИЙ ОҚИМ-2” ГАЗ ТАРМОҒИ ҚУРИЛИШИГА ТАҲДИД СОЛОЛМАЙДИ”



БЕЛАРУСЬ РУБЛИНИНГ МАВҶЕИ ТУШИБ КЕТДИ



Мамлакатда юзага келган сиёсий инқироз таъсирида Беларусь рублининг еврога нисбатан қиймати кескин суръатларда пасайиб кетди.

Reuters агентлиги маълум қилишича, Беларусь миллий валютасининг еврога нисбатан қиймати деярли 1 фоизга тушган бўлиб, унинг ҳажми 3,0162 га етган. Шундай қилиб, Беларусь рубли аввалги рекорд даражадаги минимум кўрсаткичи, яъни 3,0186ни янгилади. АҚШ долларига нисбатан қиймати ҳам 2 фоизга қисқарди ва 9 апрелдан буён кузатилмаган минимал кўрсаткич, 2,5364 га етди.

Аввалроқ хабар қилинганидек, инқироз таъсири остида мамлакат аҳолиси ёлпасига хорижий валюталарни харид қилишга ўтиб кетди. Президент сайловидан кейинги тўқтинлар хусусий мулк бозорига ҳам таъсир кўрсатди: уй-жой сотиш ҳақидаги эълонлар қарийб 90 фоизга қўпайиб кетди.

“Хоразм сув таъминоти” МЧЖ

“Хоразм сув таъминоти” МЧЖ жамоаси юртдошларимизни
Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг

29 йиллик

шодиёнаси билан муборакбод этади.

Мамлакатимиз тараққиёти йўлида меҳнат қилаётган
ҳамюртларимизга куч-қувват, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик тилаймиз.
Юртимиз янада равнақ топиб, гуллаб яшнаверсин,
юртимиз тинч, дастурхонимиз баракали бўлсин!

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!



Хизматлар лицензияланган.

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ -ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА
АХБОРОТ ҲАМКОРЛАРИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси

БОШ МУҲАРРИР
Бобур МУҲАММАДИЕВ

НАШР УЧУН МАСЪУЛ
Шукур ЖАББОР

ОБУНА ВА РЕКЛАМА
БЎЛИМИ РАҲБАРИ
Ўқтам АБДУЛЛАЕВ
Тел: +998 90 0264090
71 234 43 18

Факс: 71 234 43 18
Нашр индекси-102.

МУАССИС:
“Moliya yangiliklari agentligi” МЧЖ

Ахборот кўмаги
ЎЗА, “Noma Hamkor” МЧЖ
www.finance.uz
Тахририят манзили:
100060. Тошкент ш., Юнусобод т.
Осиё кўчаси 1а
e-mail: bankaxborotnomasi@mail.ru,
Чоп этишга тайёрловчи:
“Moliya yangiliklari agentligi” МЧЖ
Газета тахририятнинг техник
ускуналарида саҳифаланди.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан
“Банк ахборотномаси” да эълон қилинган
материалларни кўчириб босишга ижозат бериллади.
Қўлэмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами
билан рўйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта –
пайшанба куни чиқади.
Буортма № г 0261 А-1384
Нархи шартнома асосида.
Газета А3 ҳажмда, 4 шартли босма табоқда чоп
этилди. Босишга розат этилди: 01.09.2020 й.,
1 2 3 4 5 6